

КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ИХТИСОСЛАШУВ
ЖАРАЁНЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

PhD, доц. Шарипов Қувондик Бахтиёрович
Ташкент давлат иқтисодиёт университети
ORCID:0009-0007-2899-4106
k.b.sharipov@tsue.uz

Аннотация. Ушбу мақолада сўнгги қўшилган маҳсулот, иқтисодий ресурслар сарфи ҳисобига олинган ўртacha натижса, ресурсларни тармоқча киритишнинг жозибадорлик даражаси, кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтинослашуви жараёнлари самарадорлигини ифодаловчи қўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилиб, Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятида ихтинослашув жараёнлари самарадорлиги баҳоланган ва уни ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кичик бизнес, ихтинослашув, тармоқ, рақобат, инвестиция, самарадорлик, ишлаб чиқариш харажатлари, бир бирлик харажатнинг ўртacha натижаси, харажатларнинг меъёрий самарадорлиги, жозибадорлик даражаси.

ПОКАЗАТЕЛИ ОЦЕНКИ ПРОЦЕССОВ СПЕЦИАЛИЗАЦИИ В МАЛОМ
ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВЕ И МЕРЫ ПО ПОВЫШЕНИЮ ИХ ЭФФЕКТИВНОСТИ

PhD, доц. Шарипов Қувондик Бахтиёрович
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье последний добавленный продукт, средний результат, полученный за счет экономических ресурсов, уровень привлекательности внедрения ресурсов в отрасль, методы расчета показателей, отражающих эффективность процессов специализации малого бизнеса. Разработаны субъекты отраслей экономики, оценена эффективность процессов специализации в деятельности малого бизнеса в Узбекистане и разработаны меры по ее повышению..

Ключевые слова: малый бизнес, специализация, отрасль, конкуренция, инвестиции, эффективность, издержки производства, средний результат на единицу себестоимости, нормативная эффективность затрат, уровень привлекательности.

INDICATORS OF EVALUATION OF SPECIALIZATION PROCESSES IN SMALL BUSINESS ACTIVITY AND MEASURES TO INCREASE THEIR EFFICIENCY

*PhD, assoc. prof. Sharipov Kuvondik Bakhtiyorovich
Tashkent State University of Economics*

Abstract. In this article, the last added product, the average result obtained at the expense of economic resources, the level of attractiveness of the introduction of resources into the industry, the methods of calculating the indicators representing the efficiency of the processes of specialization of small business entities in economic sectors have been developed, the efficiency of the processes of specialization in the activity of small businesses in Uzbekistan has been evaluated and measures to increase it have been developed.

Keywords: small business, specialization, industry, competition, investment, efficiency, production costs, average result per unit cost, standard efficiency of costs, level of attractiveness.

Кириш.

Мазкур тадқиқот доирасида кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашувини такомиллаштириш масалаларини қўриб чиқилар экан, шуни таъкидлаш лозимки, уларни мазкур жараёнларнинг самарадорлигини таъминламасдан ҳал этиб бўлмайди.

Кичик тадбиркорлик фаолиятида тармоқлар бўйича ихтисослашув жараёнларининг самарадорлиги қўйидаги ҳолатлар орқали намоён бўлади:

- муайян тармоқда банд бўлган иқтисодий ресурслар миқдори ва сифатининг ошиши;
- ҳар бир қўшимча банд бўлган иқтисодий ресурс ҳисобига иқтисодий фаолият натижаларининг ўзгариши;
- тармоқлар бўйича тадбиркорлик капиталининг ҳар бир бирлигига тўғри келувчи самара кўрсаткичлари даражасининг ўзаро яқинлашуви.

Адабиётлар шарҳи.

Кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда тармоқ бўйича ихтисослашув жараёни таъсирининг назарий ва амалий масалалари МДҲ мамлакатлари олимларининг илмий асарларида ўз аксини топган.

Шварц, Шатохин, Анциферова (2014) томонидан минтақа тармоқ ихтисослашувини кўрсаткичларини баҳолаш услуби ишлаб чиқилган. Бунда асосан минтақа хўжалиги тармоқ тузилмасини яхлит мамлакат хўжалиги тармоқ тузилмаси билан ўзаро таққослашга таянувчи қўйидаги коэффициентлар орқали баҳоланган:

- 1) муайян ишлаб чиқаришнинг минтақа ҳудудидаги локализация коэффициенти:

$$k_{ir} = \frac{q_{ir}}{Q_r} : \frac{q_i}{Q}$$

бу ерда: q_{ir} - г минтақадаги i-тармоқнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми; Q_r - г минтақадаги ялпи ишлаб чиқариш ҳажми; q_i - миллий иқтисодиётдаги i-тармоқнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми; Q - мамлакатдаги ялпи ишлаб чиқариш ҳажми;

- 2) аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш коэффициенти:

$$k_{ir}^{dn} = \frac{q_{ir}}{q_i} : \frac{N_r}{N}$$

бу ерда: N_r - г минтақа аҳолисининг сони; N – мамлакат аҳолиси сони;
 3) ўзини ўзи таъминлаш коэффициенти:

$$k_{ir}^{ob} = \frac{q_{ir}}{P_{ir}}$$

бу ерда: P_{ir} - г минтақадаги i-тармоқнинг маҳсулот истеъмол қилиш ҳажми;

4) туманлараро товарлилик коэффициенти:

$$k_{ir}^{mt} = \frac{V_{ir}}{q_{ir}}$$

бу ерда: V_{ir} - минтақадаги i-тармоқ маҳсулотининг четга чиқарилган ҳажми.

Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг таркиб топган тузилмасини тадқиқ этиш тадбиркорлик тузилмасидаги ва улардаги ишловчилар сонининг тегишли равишда ҳар бир фаолият турига тўғри келувчи улушини кўриб чиқишига асосланади.

2010 йилдан 2015 йилга қадар даврда таркибий тузилманинг ўзгариши таҳдили Рябцев (2001) индексидан фойдаланган ҳолдаги тузилмавий ўзгаришларнинг аҳамиятлилик даражасини баҳолашни ўз ичига олади.

Зайцев (2007) кичик тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув жараёнларига меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқариш фаолиятининг концентрацияси ифодаси сифатида ёндашиб, қуидагича таъриф берган. “Ихтисослашув - меҳнат тақсимотига асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакли. Ихтисослашган цех, участка, яхлит корхоналарни барпо этиш орқали намоён бўлиб, предмет, деталлар, технологиялар бўйича гуруҳланиши мумкин”.

Райзберг, Лозовский, Стародубцевалар (1999) кичик тадбиркорлик фаолиятида ихтисослашув жараёнларига Фаолиятнинг тор доирадаги товарлар ишлаб чиқаришга ўйналирлганлиги сифатида ёндашиб, қуидагича таъриф берган. “Ихтисослашув - компания асосий фаолиятининг маҳсулот, товарлар ва хизматнинг тор доирасини ишлаб чиқаришга ўйналирлганлиги”.

Тадқиқот методологияси.

Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишида илмий абстракциялаш, таҳдил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усусларидан фойдаланилган.

Таҳдил ва натижалар муҳокамаси.

Юқоридаги ҳолатлар ичида ҳар бир қўшимча банд бўлган иқтисодий ресурс ҳисобига иқтисодий фаолият натижаларининг ўзгариши муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масалага кўплаб иқтисодий манбаларда тўхталиб ўтилган. Кўплаб манбаларда таҳдилнинг ушбу қўриниши “сўнгги қўшилган омил унумдорлиги” тушунчаси орқали намоён бўлади. “Ишлаб чиқариш натижасини баҳолашда ишлаб чиқариш омиллари навбатдаги бирлигини сарфлашнинг мақсаддага мувофиқлигини ўрганиш, яъни ҳар бир омил қўшимча сарфининг у келтирадиган самара билан таққослаш муҳимдир. Бу сўнгги қўшилган маҳсулот кўрсаткичи орқали ифодаланади.

Сўнгги қўшилган маҳсулот – энг сўнгги қўшилган омил (капитал ёки ишчи кучи) эвазига ўсган маҳсулот ҳажми. Ҳар бир қўшилган омил эвазига олинган қўшилган маҳсулот сўнгги қўшилган омил унумдорлиги деб айтилади (Шодмонов, Гафуров, 2010). Сўнгги қўшилган маҳсулот (ўсган) миқдорини сўнгги қўшилган (ўсган) ишчи кучи ёки капитал миқдорига бўлиш йўли билан қўшилган омил, яъни қўшилган капитал ёки қўшилган ишчи кучи унумдорлиги аниқланади, яъни:

$$KM = \Delta M / \Delta K \text{ ёки } KM = \Delta M / \Delta I \text{ „}$$

Биз ушбу кўрсаткични тадқиқотимиз давомида **иқтисодий ресурсларнинг меъёрий самарадорлиги** деб атамиз. Бироқ, тармоққа киритилаётган ҳар бир иқтисодий ресурс сарфи эвазига олинаётган меъёрий самарадорликни аниқлашнинг ўзи етарли эмас. Бу ўринда мазкур кўрсаткич тармоқ фаолиятининг кенгайиши (ўсиши) жараёнига қай даражада таъсир кўрсатаётганлигини ҳам баҳолаш зарур. Бунинг учун иқтисодий ресурс сарфи эвазига олинаётган ўртача маҳсулот кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

“Ўртача маҳсулот – жалб қилинган барча ишлаб чиқариш омилларининг бир бирлигига тўғри келадиган маҳсулот ҳажми:

$$\bar{Y}M = M/(I, K) " [1].$$

Биз ушбу кўрсаткични тадқиқотимиз давомида **иқтисодий ресурслар сарфи ҳисобига олинган ўртача натижа** деб атамиз. Мазкур кўрсаткичдан фойдаланишдан кўзланган мақсад шуки, қачонки ресурсларнинг меъёрий самарадорлиги қиймати ўртача натижа қийматидан катта бўлсагина мазкур тармоқ фаолиятини кенгайтириш самарали ҳисобланади. Шунга кўра, бу иккала кўрсаткичларнинг нисбати орқали тармоққа киритилаётган иқтисодий ресурсларнинг самарадорлик даражасини аниқлаймиз ва уни **ресурсларни тармоққа киритишнинг жозибадорлик даражаси** деб атамиз:

$$\bar{Y}D = \frac{MC}{\bar{Y}H},$$

бу ерда:

$\bar{Y}D$ - ресурсларни тармоққа киритишнинг жозибадорлик даражаси;

МС - иқтисодий ресурсларнинг меъёрий самарадорлиги;

$\bar{Y}H$ - иқтисодий ресурслар сарфи ҳисобига олинган ўртача натижа.

Ресурсларни тармоққа киритишнинг жозибадорлик даражасининг жорий давр учун қиймати бу борадаги тўлиқ тасаввурни ҳосил қиласлиги мумкин. Шунга кўра, тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ўртача ва меъёрий самарадорлик кўрсаткичларининг жозибадорлик даражасининг бир неча йиллар давомидаги динамикаси асосида ўртача кўрсаткични аниқлаш мақсадга мувофиқ:

$$\bar{Y}_{JD} = \sum_{i=1}^n \frac{MC_i}{\bar{Y}H_i} / n,$$

бу ерда:

\bar{Y}_{JD} - муайян давр оралиғи учун ресурсларни тармоққа киритишнинг ўртача жозибадорлик даражаси;

МС - иқтисодий ресурсларнинг меъёрий самарадорлиги;

$\bar{Y}H$ - иқтисодий ресурслар сарфи ҳисобига олинган ўртача натижа;

i - таҳлил даврига киритилган йил;

n - таҳлил даврига киритилган йиллар сони.

Фикримизча, кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашувини такомиллаштириш борасидаги иқтисодий самарадорликни қуидаги кўрсаткичлар тизими орқали ифодалаш мақсадга мувофиқ:

- тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичлари;

- тармоқда қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичлари;

- тармоқда қўшимча равишда банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичлари;

- тармоқда қўшимча ҳар бир бирлик инвестиция ресурси ҳисобига ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичлари.

Агар ишлаб чиқариш натижаларини тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда тармоқ молиявий натижалари (фойда, зарар) орқали ифодаласак, у ҳолда юқоридаги

кўрсаткичлар тизимини қўйидаги формулалар кўринишида намоён этиш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

Кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтинослашуви жараёнлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш усуслари

[7]

Кўрсаткич	Ҳисоблаш усули	Шартли белги
Тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ($X_{Сяих}$; $X_{Смн}$)	$X_{Сяих} = \frac{ЯИХ_x - ЯИХ_b}{X_x - X_b},$ $X_{Смн} = \frac{МН_x - МН_b}{X_x - X_b}$	ЯИХ _x – ҳисобот давридаги тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажми; ЯИХ _b – базис давридаги тармоқ ялпи ишлаб чиқариш ҳажми; МН _x – ҳисобот давридаги тармоқ молиявий натижалари (фойда, зарап); МН _b – базис давридаги тармоқ молиявий натижалари (фойда, зарап); Х _x – ҳисобот давридаги тармоқ ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми; Х _b – базис давридаги тармоқ ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми.
Тармоқда қўшимча ташкил этилган ҳар бир корхона ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ($KС_{яих}$; $KС_{мн}$)	$KС_{яих} = \frac{ЯИХ_x - ЯИХ_b}{KC_x - KC_b},$ $KС_{мн} = \frac{МН_x - МН_b}{KC_x - KC_b}$	КС _x – ҳисобот даврида тармоқда фаолият кўрсатган корхоналар сони; КС _b – базис даврида тармоқда фаолият кўрсатган корхоналар сони.
Тармоқда қўшимча равища банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ($BС_{яих}$; $BС_{мн}$)	$BС_{яих} = \frac{ЯИХ_x - ЯИХ_b}{BC_x - BC_b},$ $BС_{мн} = \frac{МН_x - МН_b}{BC_x - BC_b}$	БС _x – ҳисобот даврида тармоқда банд бўлган ишловчилар сони; БС _b – базис даврида тармоқда банд бўлган ишловчилар сони.
Тармоқда қўшимча ҳар бир бирлик инвестиция ресурси ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ($ИС_{яих}$; $ИС_{мн}$)	$ИС_{яих} = \frac{ЯИХ_x - ЯИХ_b}{ИХ_x - ИХ_b},$ $ИС_{мн} = \frac{МН_x - МН_b}{ИХ_x - ИХ_b}$	ИХ _x – ҳисобот даврида тармоққа киритилган инвестиция ҳажми; ИХ _b – базис даврида тармоққа киритилган инвестиция ҳажми.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги (stat.uz) маълумотлари.

Ушбу жадвалдаги формулаларда ифодаланган ҳисобот ва базис даврларини таҳлилнинг мақсади ва қамровидан келиб чиқсан ҳолда турли қўринишида қўллаш мумкин. Масалан, агар алоҳида ҳолдаги ва қисқа муддатли даврдаги ўзгаришларни таҳлил зарур бўлса, у ҳолда иккита йил, яъни ҳисобот даври сифатида муайян йил, базис даври сифатида эса олдинги йил маълумотлари олиниши мумкин. Агар динамик ҳолдаги узоқ йиллик ўзгаришларни таҳлил қилиш зарур бўлса, у ҳолда:

- ҳар бир йилни ҳисобот даври, ундан олдинги йилни эса базис даври сифатида қабул қилиш;

- жорий йилни ҳисобот даври, таҳлил даврининг биринчи йилини эса базис даври сифатида қабул қилиш мумкин.

Шунингдек, кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтинослашуви жараёнлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳар биридан хусусий ҳолда улар асосидаги интеграл кўрсаткични ҳисоблаш орқали комплекс ҳолда фойдаланиш мумкин.

Энг аввало мамлакатимиз тармоқларидағи кичик бизнес корхоналарида қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижаларини кўриб чиқамиз. Бунда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик”

йиллик статистик тўпламидаги “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум” кўрсаткичи маълумотларидан, молиявий натижалар (фойда, зарар) кўрсаткичи сифатида эса “Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)” кўрсаткичи маълумотларидан фойдаланамиз. Ҳисобот даври сифатида 2021 йил, базис даври сифатида эса 2020 йил маълумотлари олинади (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистондаги кичик бизнес корхоналарининг тармоқлар бўйича ялпи ишлаб чиқариш ҳажми ва молиявий натижалари (фойда, зарар), млрд. сўм

Тармоқлар	Кўрсаткич	Ялпи ишлаб чиқариш ҳажми		Молиявий натижалари (фойда, зарар)	
		2021	2022	2021	2022
Ҳаммаси	418280	572783,2	23070,0	21842,0	
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	10984	17447,4	72,5	-55,4	
Саноат	108725	145983,1	6176,3	1927,2	
Қурилиш	62848,5	70600,8	2550,1	1783,6	
Савдо	194740	281902,2	8433,1	10166,9	
Ташиш ва сақлаш	7528,8	9717,6	769,1	707,0	
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	6564,3	9268,1	68,5	419,2	
Ахборот ва алоқа	5039,8	9148,7	1051,9	2155,4	
Молиявий ва сугурта фаолияти	1602,9	2308,0	868,4	-781,8	
Таълим	1064,9	1431,3	144,4	267,7	
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	2624,4	3413,0	316,4	286,0	
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	435,4	631,1	-12,6	39,2	
Бошқа турлари	16122,9	20931,9	2631,9	4927,0	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги (stat.uz) маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил даврида бутун иқтисодиёт бўйича кичик бизнес корхоналарининг ялпи ишлаб чиқариш ҳажми 136,9 фоизга ошган, фойда ҳажми эса, аксинча, 94,7 фоиз даражасига қадар пасайган. Шуниси эътиборлики, бу кўрсаткич тармоқлар бўйича фарқланмоқда. Жумладан, ялпи ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан ахборот ва алоқа (181,5%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (158,8%), Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш (144,9%), Савдо (144,8%), молиявий ва суғурта фаолияти (144,0 %), Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (141,2%) тармоқларида ушбу кўрсаткич ўртacha даражадан юқори бўлса, таълим (134,4%), саноат (134,3%), Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (130,0%), Ташиш ва сақлаш (129,1%), Қурилиш (112,3%) тармоқларда эса аксинча ўртacha даражадан паст бўлган. Олинган фойда даражаси бўйича яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (612,0%), Ахборот ва алоқа (204,9%), таълим (185,4%), савдо (120,6%) тармоқларда ушбу кўрсаткич ўртacha даражадан юқори бўлса, ташиш ва сақлаш (91,9%), Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (90,4%), қурилиш (69,9%), саноат (31,2%), тармоқларда эса аксинча ўртacha даражадан паст бўлган.

Молиявий ва сугурта фаолияти тармоғи 2022 йилда 781,8 млрд.сўм, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғи 55,4 млрд.сўм ҳажмида зарар кўрилган.

Тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичларини таҳлил қилишда юқорида қайд этиб ўтилган статистик тўпламдаги “Сотилган маҳсулоти (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи” кўрсаткичи маълумотларидан фойдаланамиз (3-жадвал).

3-жадвал

**Тармоқдаги қўшимча ҳар бирлик харажатлар ҳисобига тўғри
келувчи ишлаб чиқариш натижалари**

Кўрсаткич Тармоқлар	Ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми, млрд. сўм		Бир бирлик харажатнинг ўртача натижаси, бирлик		Харажатларнинг меъёрий самарадорлиги, бирлик		Жозибадорлик даражаси, марта	
	2020	2021	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН
Ҳаммаси	349330,4	493248,6	1,16	0,04	1,07	-0,01	0,9	-0,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	9506,8	14858,1	1,17	0,00	1,21	-0,02	1,0	6,4
Саноат	90011,2	133321,4	1,09	0,01	0,86	-0,10	0,8	-6,8
Қурилиш	53543,0	60906,8	1,16	0,03	1,05	-0,10	0,9	-3,6
Савдо	173197,8	251784,6	1,12	0,04	1,11	0,02	1,0	0,5
Ташиш ва сақлаш	4973,3	6443,9	1,51	0,11	1,49	-0,04	1,0	-0,4
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4495,7	6437,7	1,44	0,07	1,39	0,18	1,0	2,8
Ахборот ва алоқа	2387,0	4685,9	1,95	0,46	1,79	0,48	0,9	1,0
Молиявий ва суғурта фаолияти	496,0	908,6	2,54	-0,86	1,71	-4,00	0,7	4,6
Таълим	550,6	533,8	2,68	0,50	-21,81	-7,34	-8,1	-14,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	1335,6	1752,9	1,95	0,16	1,89	-0,07	1,0	-0,4
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	226,8	344,8	1,83	0,11	1,66	0,44	0,9	3,9
Бошқа турлари	8606,6	11270,1	1,86	0,44	1,81	0,86	1,0	2,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги (stat.uz) маълумотлари.

З-жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил даврида иқтисодиёт бўйича кичик бизнес корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатлари ҳажми 141,2 фоизга ошган. Бироқ бу кўрсаткич тармоқлар бўйича фарқланади. Жумладан, Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (179,3%), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (161,1%), Ахборот ва алоқа (160,4%), таълим (159,8%), Қурилиш (159,0%), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш (158,3%), Савдо (151,1%), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (144,3%), саноат (141,4%) тармоқларда ушбу кўрсаткичлар ўртача даражадан юқори бўлса, Ташиш ва сақлаш (123,7%), молиявий ва суғурта фаолияти (75,5%) тармоқларида эса аксинча паст бўлган.

Бир бирлик харажатнинг ўртача натижаси иқтисодиёт бўйича ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига кўра 1,16 бирлик, олинган молиявий натижа (фойда)га кўра 0,04 бирликни ташкил этган. Бироқ бу кўрсаткич тармоқлар бўйича фарқланмоқда. Жумладан, ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига кўра таълимда 2,68, молиявий ва суғурта фаолияти тармоғида 2,54, ахборот ва алоқа тармоғида 1,95, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш тармоғида 1,95, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш тармоғида 1,83, ташиш ва сақлаш тармоғида 1,51, яшаш ва овқатланиш бўйича

хизматлар тармоғида 1,44, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (1,17 бирлик), яъни ушбу кўрсаткич нисбатан юқори бўлса, қурилиш (1,16 бирлик), савдо (1,12 бирлик), ҳамда саноат (1,09 бирлик) тармоқларида эса аксинча паст бўлган.

Олинган молиявий натижа (фойда)га кўра анъанавий тармоқлар, яъни таълим (бирлик), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (0,00 бирлик), саноат (0,01 бирлик) қурилиш (0,03 бирлик), савдо (0,04 бирлик), да мазкур кўрсаткичининг нисбатан паст бўлганлигини, таълим (0,50 бирлик), ахборот ва алоқа (0,46 бирлик), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (0,16 бирлик), ташиш ва сақлаш ҳамда санъат, кўнгил очиш ва дам олиш (0,11), Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (0,07 бирлик) тармоқларида эса ўртacha кўрсаткичдан юқори бўлганлигини кўриш мумкин.

Харажатларнинг меъёрий самарадорлиги, яъни қўшимча 1 сўмлик харажатнинг кўпайиши эвазига иқтисодиёт бўйича ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига кўра 1,07 бирлик, олинган молиявий натижага кўра эса -0,01 бирликни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич ҳам тармоқлар бўйича фарқланади. Жумладан, ялпи ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш (1,89 бирлик), ахборот ва алоқа (1,79 бирлик), молиявий ва суғурта фаолияти (1,71), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш (1,66 бирлик), ташиш ва сақлаш (1,49 бирлик), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (1,39 бирлик), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (1,21 бирлик), савдо (1,11 бирлик) тармоқларида ўртacha кўrсаткичдан юқори бўлса, қурилиш (1,05 бирлик), саноат (0,86 бирлик), тармоқлarda эса аксинча паст бўлган.

Олинган молиявий натижа жиҳатидан яъни ахборот ва алоқа (0,48 бирлик), санъат, кўнгил очиш ва дам олиш (0,44), Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (0,18 бирлик), савдо (0,02 бирлик), ҳамда тармоқларида эса ўртacha кўrсаткичдан юқори бўлса, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (-0,02 бирлик), ташиш ва сақлаш (-0,04 бирлик), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўrсатиш (-0,07 бирлик), саноат ва қурилиш (-0,10 бирлик), Молиявий ва суғурta фаолияти (-4,00 бирлик), таълим (-7,34 бирлик) да ўrтacha кўrсаткичдан паст бўлганлигини кўриш мумкин.

Жозибадорлик даражаси иқтисодиёт бўйича ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига кўра 0,9 марта, олинган молиявий натижа (фойда)га кўра -0,2 марта ташкил этган. Бироқ бу кўrсаткич ҳам тармоқлар бўйича фарқланиб, жумладан, ялпи ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, савдо, ташиш ва сақлаш, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўrсатиш тармоқларида 1,0 марта тага тенг бўлган. Қурилиш, ахборот ва алоқа, Санъат, кўnгил очиш ва дам олиш тармоқларида 0,9 марта тага тенг бўлган. Саноат тармоғида 0,8 марта, молиявий ва суғурta фаолияти 0,7 марта ташкил этиб, ўrтacha даражадан паст бўлган. Олинган молиявий натижа (фойда)га кўра жозибадорлик даражаси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида 6,4 марта, молиявий ва суғурta фаолиятида 4,6 марта, Санъат, кўnгил очиш ва дам олиш тармоғида 3,9 марта, савдо 0,5 марта ташкил этган. Қолган барча тармоқларда манфий ишорага эга бўлган.

Юқорида таъкидланганидек, сўнгги бир йил учун ресурсларни тармоққа киритишнинг жозибадорлик даражаси бу борадаги тўлиқ тасаввурни ҳосил қилмаслиги мумкин. Шунга кўра, тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ўrтacha ва меъёрий самарадорлик кўrсаткичларининг жозибадорлик даражасининг 2018-2022 йиллар давомидаги динамикасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ (4-жадвал).

4-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018-2022 йиллар оралиғида қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи ишлаб чиқариш натижалари ўrтacha жозибадорлик даражаси ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига кўра саноат тармоғида 3,3 марта, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар тармоғида 2,2 марта, Санъат, кўnгил очиш ва дам олиш тармоғида 1,2 марта ташкил этган.

4-жадвал

**Тармоқдаги қўшимча ҳар бир бирлик харажатлар ҳисобига тўғри келувчи
ишлаб чиқариш натижалари ўртача ва меъёрий самарадорлик
кўрсаткичларининг жозибадорлик даражаси динамикаси**

Тармоқлар	2018		2019		2020		2021		2022		Ўртача жозибадорлик даражаси	
	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН	ЯИХ	МН
Ҳаммаси	0,9	1,2	0,9	-0,5	0,7	-2,6	1,0	0,9	0,9	-0,2	0,9	-0,25
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1,0	0,5	0,9	-0,2	0,9	7,7	1,0	13,8	1,0	6,4	1,0	5,65
Саноат	0,8	1,5	0,7	-2,4	13,4	213,9	1,0	1,1	0,8	-6,8	3,3	41,47
Курилиш	1,0	0,9	0,9	-1,0	0,3	-13,5	1,0	0,7	0,9	-3,6	0,8	-3,31
Савдо	0,9	1,1	0,9	-0,1	0,9	-0,2	1,0	0,7	1,0	0,5	0,9	0,42
Ташиб ва сақлаш	0,9	1,0	0,8	-0,6	0,7	-1,6	0,9	1,8	1,0	-0,4	0,9	0,04
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1,3	-7,8	0,9	1,9	5,8	-396,4	1,0	3,4	1,0	2,8	2,0	-79,21
Ахборот ва алоқа	1,0	1,2	0,8	0,2	1,1	0,3	0,9	0,8	0,9	1,0	0,9	0,72
Молиявий ва суғурта фаолияти	0,8	0,4	0,8	0,5	0,1	-0,2	0,0	-1,0	0,7	4,6	0,5	0,86
Таълим	1,0	1,3	1,1	1,0	0,7	-5,5	1,1	1,9	-8,1	-14,6	-0,8	-3,18
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш	1,0	1,9	1,0	0,8	0,8	-1,2	1,0	1,5	1,0	-0,4	1,0	0,50
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	0,8	14,0	0,9	4,0	2,0	-8,3	1,3	-1,6	0,9	3,9	1,2	2,39
Бошқа турлари	0,9	0,1	0,8	0,4	1,0	3,0	0,9	0,8	1,0	2,0	0,9	1,26

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги (stat.uz) маълумотлари.

Олинган молиявий натижа (фойда)га кўра саноат тармоғида 41,47 марта, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғида 5,65 марта, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш тармоғида 2,39 марта, Молиявий ва суғуртада 0,86 марта, Ахборот ва алоқа 0,72 марта, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш тармоғида 0,50 мартани ташкил этган.

Хуносаси тақлифлар.

Кичик бизнес корхоналарида фаолиятнинг тармоқ бўйича ихтисослашув жараёни кучли бўлиб, ушбу ҳолат мазкур соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Бироқ, тармоқ бўйича ихтисослашув жараёнлари доимо ҳам иқтисодий жиҳатдан юқори самарадорликни таъминлаш ҳамда миллий иқтисодиёт тараққиётининг мақсадга мувофиқ йўналтирилишига мувофиқ тушмаслиги мумкин. Ҳозирда Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашув жараёнлари учун муайян даражада беқарорлик хослиги кузатилмоқда.

Аксарият ҳолатларда айрим тармоқларда юқори самарадорликни таъминлаш учун зарур кичик бизнес корхоналарининг улуши етарли бўлмагани ҳолда, бошқа бир тармоқларда мазкур корхоналар улушкининг меъёридан ортиши натижасида рақобат даражаси кучайиши ҳамда ўртacha фойда меъёри пасайишига олиб келмоқда.

Кичик бизнес соҳасидаги ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича ихтисослашувини бир неча жиҳатлар бўйича баҳолаш мумкин:

- 1) тармоқ ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар сони;
- 2) муайян тармоқнинг ялпи ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши;
- 3) тармоқда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони;
- 4) тармоқда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми.

Юқоридаги маълумотлардан қўринадики, мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ихтисослашуви жараёнлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш орқали ушбу жараёнларни такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш имконияти қўлга киритилади.

Адабиётлар / Литература/ Reference:

Зайцев Н.Л. (2007) Краткий словарь экономиста. -М.: Инфра-М. - <https://economist.academic.ru/796>.

Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. (1999) Современный экономический словарь. - 2-е изд., испр. -М.: ИНФРА-М. -479 с.

Рябцев В.М., Чудилин Г.И. (2001) Региональная статистика. М.: МИД, -380 с.

Шварц Р.С., Шатохин М.В., Анциферова И.В. (2014) Оценка показателей отраслевой специализации региона. - <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-pokazateley-otraslevoy-spetsializatsii-regiona>.

Шодмонов Ш.Ш., Гафуров У.В. (2010) Иқтисодиёт назарияси. Дарслик; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги. – Т.: IQTISOD-MOLIYA.